

Ўзбекистон — Германия:

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

Айни пайтда глобал иқлим исихи, унумдор ерларнинг деградацияга учраши, қургоқчилик, ёғин-сочинлар ва бошқа табиий офатлар натижасида экин ерларига ва етиштирилаётган маҳсулотларга зарар етиши — буларнинг барчаси глобал миқёсда озик-овқат хавфсизлигига путур етказувчи омиллардан.

Биз ва жаҳон

Бу муаммога ечим топишда халқаро ҳамкорликни анида ривожлантириш, хусусан, глобал логистикани йўлга қўйиш, илгор мамлакатлар тажрибасини ўзлаштириш, қишлоқ хўжалигига замонавий технологияларни кенг жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Айни жараёнда юқори тараққий этган индустриал-технологик мамлакат бўлган Германия Федератив Республикаси билан ҳамкорликнинг баъзи қирраларига назар ташлаш мақсадга мувофиқдир.

Германия — ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича дунёда бешинчи, маҳсулотлар экспорти бўйича тўртинчи ўринда турадиган давлат. Шу билан бирга, у аграр соҳани ривожлантириш ва механизациялашга алоҳида эътибор қаратаётган, замонавий агросаноат технологияларини тизимга сафарбар эта олиши ҳисобига, соҳада аҳолининг атиги 2-3 фоизи банд бўлса-да юқори унумдорлик кўрсаткичига эришаётган мамлакат ҳисобланади.

Масалан, мамлакат аграр тизими аҳолининг дон маҳсулотларига

бўлган эҳтиёжнинг 80 фоизини, шакар — 85 фоиз, гўшт — 90 фоиз, сут маҳсулотларининг 100 фоизини таъминлай олади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг учдан бир қисмини чорвачилик беради.

Айни пайтда Германия қишлоқ хўжалигининг ўзига хос иқлими Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларининг озик-овқат бозорига кириши учун шароит яратди. Ҳозирги вақтда “Шимол — Ғарб” ва “Шимол — Жануб” йўналишлари бўйича юк ташиш муаммоларининг ечилаётгани Ўзбекистон ва Европа ўртасидаги транспорт-логистика занжирини яхшилашга хизмат қилади.

Айтиш жоизки, экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларимизнинг 84 миллион нуфусга эга Германия бозорига етказиб берилишининг истиқболли порлоқ. Қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича икки мамлакат ҳукуматлари оиши гуруҳининг йўлга қўйилгани бу борадаги муносабатлар жадаллашаётганидан далолат беради.

Аграр соҳадаги икки томонлама ҳамкорлик дастурлари агро-

кластерлар ташкил этишдан тортиб маҳсулот етиштириш, йиғиш, сақлаш ва етказиб беришнинг инновацион усулларини жорий этишгача бўлган жараёнларни қамраб олиши мумкин. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2019 йилги Германияга ташрифи чоғида икки мамлакатнинг ушбу соҳадаги алоқаларини фаоллаштиришга имкон яратилди. Хусусан, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Германиянинг “Deutsche Sparkassenstiftung für Internationale Kooperation e.V.” фонди ўртасида Англашув меморандуми имзоланди.

Меморандумда ҳамкорликнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Қишлоқ хўжалиги суғуртасини қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистоннинг муайян банкларидаги мавжуд айланма кредит фондлардан фойдаланишни кенгайтириш, ёш фермерларни тадбиркорликка ўргатишда бизнес симуляцияларидан фойдаланиш шулар жумласидан. Шунингдек, ҳужжатда “Риск радари” ва “Ашил молиявий компас” каби молия соҳасидаги замонавий ёндашувларни Ўзбекистон аграр соҳасида жорий этиш масалалари ҳам ўз аксини топган.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва “JD East” дастури ўртасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик шартномаси қишлоқ хўжалиги таълими, стажировка ва семинарлар ташкил этиш масалаларини қамраб олди. Унга қўра “JD East” ҳар йили ўзбекистонлик талаба ва би-тирувчилар, шунингдек, ёш фер-



мерлар учун муддати 2 ҳафтадан 12 ойгача бўлган қишлоқ хўжалиги стажировкалари ва семинарларини ташкил этмоқда. Бунда Германияда яшаш ва таълим олиш учун керакли барча расми-ятчилик ишларини “JD East” ўз зиммасига олди.

Заминимизда етиштирилаётган экологик тоза озик-овқат маҳсулотларини Германия бозорлари-га етказиб бериш, халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларда Ўзбекистоннинг бренд маҳсулотлари на-мойиши, логистика компанияла-рини ташкил этиш, умуман, Ўзбекистоннинг бу борадаги экс-порт салоҳиятини намоён қилиш икки томонлама ҳамкорликнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Икки томонлама ҳамкорлик ҳақида сўз кетганда, Германия Фе-дерал озик-овқат ва қишлоқ хўжа-лиги вазирлиги томонидан молия-

лаштирилган икки томонлама ҳамкорлик дастури ишлаб чиқил-ганини ҳам таъкидлаш жоиз. Маз-кур ҳамкорлик дастурида Ўзбекис-тон аграр комплекси учун бир қатор муҳим масалалар, жумладан, озик-овқат хавфсизлиги билан бе-восита боғлиқ бўлган органик қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувват-лаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулот-лари савдоси ва уларни молия-лаштириш каби масалалар ўрга-ниляпти.

Ўтган йили лойиҳа раҳбари, Германиянинг “GFA Consulting Group GmbH” компанияси бош агенти Мальта Мюллер бошчили-гидаги делегация Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида бўлди. Меҳмонлар университет салоҳияти ва унда фаолият олиб бораётган ўқув ва илмий лабораториялар фаолияти билан танишди.

Акс садо

ИШОНЧЛИ ВА СИНАЛГАН ШЕРИКЛИК

Замонавий Ўзбекистон ривожига қизиқиш мамлакатлар ва давлат арбоблари, экспертлар ҳамда кенг доирадаги халқаро жамоатчилик орасида ортиб бораётгани, шубҳасиз. Бу дунё миқёсида шиддатли жараёнлар кечаётган, турли воқеа ва тенденциялар шароитидаги ўзига хос “тарихий эврилиш” палласига тўғри келган — бир тарихий давр ниҳоясига етиб, башорат қилиш мушкул бўлган янги бир давр бошланган палладаги қатор сабаблар билан белгиланади.

Хусусан, бугун мамлака-тимиз муҳим трансформация босқичида турибди, Янги Ўзбекистон — инсон манфаатлари олий қадрият бўлган демократик давлатни барпо этиш йўлидан бормоқда. Мамлакатимиз-ни 2030 йилга қадар ривожлантириш бўйича узок муддатли стратегия қабул қилинган ва ундаги юксак мақсадлар халқаро ҳам-корларнинг салоҳиятини жалб қилиш орқали амал-га оширилади.

Бу ўзгаришларда ташки сиёсат, хусусан, Германия билан ҳамкорлик алоҳида ўрин тутди. Кейинги йил-ларда товар айирбошлаш ва саноат кооперацияси кўрсаткичлари икки боро-бар ўсди. Мамлакатимиз-да Германиянинг “Volkswagen”, “MAN”, “CLAAS”, “Siemens”, “Linde”, “Aurubis”, “Henkel”, “Knaut”, “Papenburg”, “Deutsche Kabel” ва бошқа қўллаб етакчи компанияла-ри муваффақиятли иш олиб бормоқда. Тоғ-кон, энергетика, кимё, электро-техника, тўқимачилик са-ноати ва инфратузилма бўйича янги лойиҳалар порт-фели шакллантирилган.

Марказий Осиё мамла-катлари етакчилари Герма-ния томонининг Марказий Осиё ва Германия ўртаси-да стратегик минтақавий шериклики йўлга қўйиш, ушбу форматда мунтазам учрашув ва маслаҳатла-шувлар ўтказиб бориш таклифини қўллаб-қувват-ладилар.

Ташриф доирасида Президент Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг икки то-монлама учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон би-лан Германия ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар-ни ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Жорий йил май ойида Германияга амалий ташриф давомида ўтказил-ган сермахсул музокара-ларда эришилган келишув-ларни амалга ошириш бўйича биргаликдаги саёй-харакатларни давом этти-риш муҳимлиги қайд этилди.

КИЧИК БИЗНЕСГА КАТТА ИМТИЁЗЛАР

Сўнгги олти йилда юртимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 1,5 мартадан зиёд ўсди. Тадбиркорлик субъектларининг сони 2 қарра кўлайди, саноатда-ги ўсиш суръатлари 40 фоиздан ошди, қисқа муд-датда камбағалликни 2 баробардан зиёд қисқартиришга эришилди.

Мулоҳаза

Бу далилларни бежиз кел-тирмадик. Дунёда давом этаётган мураккаб пандемия ва глобал иқтисодий инкүроз оқибатлари, нотинчлик-лар ва зиддиятлар фониди юзага келаётган озик-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш, иқлим ўзга-риши муаммолари рўй бе-раётган бир пайтда миллий иқтисодиётимиздаги ижобий ўзгаришлар, аввало, мамла-катимизда Президент раҳ-барлигида барча соҳада олиб борилаётган ислохот-ларнинг ёрқин самарасидир.

Давлатимиз раҳбарининг кичик тадбиркорлик субъект-ларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда иш-билармонлик муҳитини си-

фат жиҳатдан яхшилаш бўйича қабул қилинган қарор ва фармонлари, шунингдек, бу соҳага берилаётган эъти-бор натижасида сезиларли натижаларга эришилляпти.

“Кичик бизнесни ривож-лантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қув-ватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори шу йил августда ўтказилган тадбиркорлар билан очик мулоқот доира-сида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъ-минлаш, соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш бўйича “ўзлуқсиз хизматлар занжир-и”ни яратишни мақсад қилгани би-лан аҳамиятлидир.

Эътироф

Қўбиз ЮНЕСКО рўйхатидан жой олади

Қўбиз жировларнинг мусиқий чолғу асбоби ҳисобланади. Унинг яратилиши жуда қадим замонларга бориб тақалади. Жировлар ғолиблик дostonларини ушбу чолғу асбобида маромига етказиб қуйлашган. Шунинг учун ҳам бугунги кунда қорақалпоқ миллий чолғу асбоби қўбизни ЮНЕСКО рўйхатига киритиш ишлари олиб бoрилмоқда.

Нукус шаҳрида ЮНЕСКО томонидан Ўзбекистон Рес-публикаси Маданият вазир-лиги билан ҳамкорликда но-моддий маданий меросни инвентаризация қилиш ва ҳужжатлаштириш, шу жум-ладан, қўбиз ва жиров му-сиқий меросини асраб-авайлашга қаратилган қўв дастури ташкил этилди.

Тадбирлар “Қўбиз аъ-навий мусиқа асбобини ишлаб чиқаришни ва унинг жиров ижросидаги аъна-ларини шoшилнчн химоя қилиш” лойиҳаси доираси-да ўтказилди. Ушбу лойиҳа

ЮНЕСКОнинг 2003 йилдаги Конвенциясининг номоддий маданий мероси фонди то-монидан молиялаштирила-ди. Унинг асосий вазифаси қўбиз ва жиров аънаъала-рини асраб-авайлаш орқа-ли Қорақалпоғистоннинг ушбу меросини муҳофаза қилиш, уларга алоҳида эътибор қаратишдан иборатдир.

Ўқув дастури якунида иш-тироқчиларга ташкилотчи-лар томонидан сертификат-лар топширилди.

«Халқ сўзи».

Қонунчилик палатаси фракцияларида ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР, УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ЮЗАСИДАН ФИҚР АЛМАШИЛДИ

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда дастлаб Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўтган ҳафтада Германия Федератив Республикасига ташрифининг аҳамияти, шунингдек, Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлгани, ўзаро ҳамкорликнинг самарали истиқболлари, унинг доирасида эришилган натижаларга эътибор қаратилди. Ўз навбатида, партиялар ва уларнинг фракциялари олдида турган вазифалар белгилаб олинди. Шундан сўнг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор муҳим қонун лойиҳалари қизғин муҳокама қилинди.

Молиявий соғломлаштириш амалиёти кенг жорий этилади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида таъкидланганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги муносабатлар жадал ривож-ланмоқда. Депутатлар Президентимиз-нинг ушбу давлатга ташрифи Ўзбекис-

тон билан Германия ўртасидаги муно-сабатларни сифат ва мазмун жиҳатдан бойитган ҳолда ўзаро ҳамкорлик учун янги имкониятлар эшикларини очиши-ни алоҳида қайд этдилар. Бу эса, ўз навбатида, депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Шундан сўнг депутатлар “Тўловга қобилиятсизлик соҳасидаги қонунчилик тақомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини қўриб чиқдилар.

Осиё ўйинлари

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИНГ ЁРҚИН ҒАЛАБАЛАРИ



Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида давом этаётган XIX Осиё ўйинларида ўзбекис-тонлик спортчилар навбатдаги медал-лар шодасини кўлга киритиб, муҳлис-у мутахассислар олқишига сазовор бўлмоқда.

Жумладан, курашчиларимиз делегация-миз ҳисобига бир куннинг ўзида 6 та ме-

далъ тақдим этишди. Вакилларимиздан Артём Штурбабин (-66 кг.), Мухсин Хисомиддинов (+90 кг.), Умид Эсонов (-81 кг.), Ҳилола Ортиқбоева (-52 кг.) ол-тин, Ситора Элмуродова (-52 кг.) кумуш, Маликаҳон Қаҳҳорова (-70 кг.) бронза медалга эғалик қилди.

Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон жа-



моаси аззоси Екатерина Воронина Осиё ўйинларида кумуш медални кўлга кирит-ди. Кўп кураш бўйича мусобақаларда қат-нашган вакилимиз 100 метрга тўсиқлар оша югуриш йўналишида 14.48 сония на-тижа қайд этиб, ўз ҳисобига 912 очко ёзиб қўйди. Баландликка сакраш дасту-рида эса 1.82 метр кўрсаткич орқали

1003 очкони олди. Е. Воронина ҳар икки дастурда мавсумдаги энг яхши натижа-сини кўрсатди.

Кейин эса ядро улоқтиришда 12.98 метр (726 очко) натижа кўрсатиб, учинчи бўлди. 200 метр масофага югуришда 25.45 сония билан (846 очко) ўз гуруҳида ик-кинчи бўлиб келди.



200 метр масофага югуришда 25.45 сония билан (846 очко) ўз гуруҳида ик-кинчи бўлиб келди.

Ўзбекистон — Германия:

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР



Мазкур лойиҳага биноан мутахассислар замонавий технологияларни ҳисобга олган ҳолда барқарор экин етиштириш, чорвачилик соҳасида иш юритишнинг илгор Германия усуллари, шунингдек, фермер хўжаликларини бошқариш кўникмалари Ўзбекистон шароитидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади ва бунда университет олимлари, тадқиқотчилари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилади.

Жорий йилнинг 20 январидан 29 январига қадар Берлин шаҳрида йирик халқаро қишлоқ хўжалиги кўргазмаси ("Green week — 2023")да Ўзбекистон махсуслотларининг намойиши нафақат Германия, балки Европа бозорларига аграр махсуслотларимиз кириб боришининг кенгайтишига туртки беради. Унда заминимизда етиштирилган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат махсуслотларининг 227 тури намойиш этилди.

Кўргазмада Германия дўконларига музлатилган ва қуритилган мева-сабзавот махсусотларини етказиб бериш, ушбу мам-

лакатнинг "Гирлос инжиниринг" компанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда музлаткичли омбор куриш ва "Бухерс" компанияси томонидан кооператив асосида мева-сабзавотларни қайта ишлаш бўйича шартномалар имзоланди.

Шу ўринда, Тошкент давлат аграр университети Германиянинг Weihenstephan-Triesdorf амалий фанлар университети билан фаол ҳамкорлик қилаётганини қайд этиб ўтиш жоиз. Ушбу университет 1971 йилда Бавария Федерал ўлкасида ташкил этилган. У қишлоқ хўжалиги соҳасида малака ошириш дастурлари ва "Аграр менежмент" халқаро магистратура курси бўйича мутахассислар тайёрлайди, дунёнинг 60 дан ортиқ таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилади.

Олиб борилган музокаралар натижасига кўра, Халқаро қишлоқ хўжалиги университети талабаларини Германиянинг Weihenstephan-Triesdorf амалий фанлар университети магистратурасига бегарас асосда ўқишга юбориш, шунингдек, ХҚХУ ҳузиридаги кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази негизида ҳамкорликда чорвачилик ва боғдорчилик соҳасида ушбу мамлакат тажрибасига асосланган давлат ва ҳусусий секторда фаолият юритаётган соҳа вакиллари, фермер хўжаликлари, кластерлар раҳбарлари ва мутахассислари учун малака ошириш курсларини ташкил этиш бўйича келишувга эришилган.

Тошкент давлат аграр универ-

ситети Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича агентлиги билан ҳамкорликда "Марказий Осиёда касб-хунар таълими — озиқ-овқат ишлаб чиқариш соҳасида тизимли ёндашувларни илгари суриш" халқаро лойиҳасини амалга оширишда иштирок этмоқда. Қўйматри 5,5 млн. евро бўлган мазкур лойиҳа ҳамкорлари — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон бўлиб, унинг асосий мақсади — Марказий Осиёда озиқ-овқат ишлаб чиқариш соҳасида дуал/кооператив касб-хунар олий таълимининг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, олий касб-хунар таълими даражасида бандликка йўналтириш, халқаро сифат стандартларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Дуал/кооператив таълимини ривожлантириш, яъни ҳақиқий иш муҳитидаги таълимни университетдаги таълим билан, шунингдек, миллий касб-хунар таълими тизимларини минтақавий уйғунлаштириш ва мувофиқлаштириш ушбу лойиҳанинг мақсади ҳисобланади.

Лойиҳа университетнинг "Агроиктисодиёт ва туризм" кафедраси негизида кооператив бакалаврият дастурини амалга оширишга қаратилган. Мазкур лойиҳани амалга оширишда ТошДАУ олимларидан ташкил топган ишчи гуруҳ иштирок этмоқда.

Ишчи гуруҳ томонидан мазкур дуал таълим дастурининг моҳирлиги ва зарурлиги асосланиди, унга қабул қилишнинг мезонлари ва ўқитишнинг натижалари ишлаб чиқилди, таълим дастури таркиби шакллантирилди. Таъ-

лим бериш ва ўқитишнинг мезонлари, параметрлари, баҳолаш асосланиши ва мезонлари ишлаб чиқилди. Ўқув ресурслари банки яратилди ва талабани қўллаб-қувватлаш мезонлари шакллантирилди. Ҳар бир семестр 60 ECTS , 4 ўқув йили учун 240 ECTSдан иборат фан модуллари яратилди.

Умуман, Ўзбекистон ва Германиянинг аграр соҳадаги ҳамкорлиги истиқболли. Европанинг қўдратли бу мамлақати аграр соҳада ҳам рақамли технологиялардан фойдаланиш, "ақлли" қишлоқ хўжалигини барпо этишда илгор ҳисобланади.

Ҳозирги кунда инсон фаолиятининг деярли барча соҳаларида рақамли технологиялардан фойдаланиш глобал миқёсда тез суръатлар билан ўсмоқда. Қишлоқ хўжалиги бундан мустақилол эмас, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда "рақамли" иқтисодиётни ривожлантириш соҳасида бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Рақамли агротехнологиялар соҳасидаги ушбу тенденциялар ва янгиликлар билан боғлиқ ҳолда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги шароитида "ақлли" қишлоқ хўжалигини амалга ошириш устувор вазифалардан. Агар биз

Германия каби юксак самарадорликка эришган давлатлар билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга эришсак, қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорвачилик махсусдорлигини ошириш, экинлар ва ерларни зараркундалар ва турли ҳашаротлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, замонавий қишлоқ хўжалиги усуллариин жорий этиш ва ишлаб чиқариш маданиятини оширишга эришишимиз мумкин.

Ялпи ички маҳсулотнинг 26,5 фоизини ташкил қилиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 27 фоизини иш билан таъминловчи агротармоқ самарали давлат сиёсати шароитида мамлакатимиз иқтисодий ўсишининг асосий омилларидан бири бўлиши мумкин. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги махсуслотлари экспорти ҳажми ҳамда фермерлар ва агротармоқлар дарамадлари ошади, қишлоқ жойларда минглаб янги иш ўринлари яратилди. Айни чоғда яшаш фаровонлиги юксалиб, мамлакат ишончли озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлай олади. Бироқ қишлоқ хўжалигини рақобатбардош, шунингдек, ҳусусий сектор, аҳоли ва давлат манфаатлари учун хизмат қиладиган соҳага айлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф қилиш керак.

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини янада самарали ва ресурс тежайдиган соҳага айлантиришда бизга Германия тажрибасини ўрганиш ва ҳамкорликини кенгайтириш айнаи муддаодир.

Муҳаммад Али САИДОВ,
Тошкент давлат аграр университети профессори, иқтисодиёт фанлари доктори, Германиянинг халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) кўмағидаги PECA лойиҳаси раҳбари.

ИШОНЧЛИ ВА СИНАЛГАН ШЕРИКЛИК

Ўзбекистон Президентининг Германия иқтисодиёти Шарқий қўмитаси шафелигида ташкил этилган Иқтисодий форум ишидаги иштироки эса ижобий резонанс уйғотди. Ўз навбатида, Ўзбекистон Германия компаниялари билан бир қатор истиқболли йўналишлар бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришни таклиф қилмоқда. Жумладан, харидоригр саноат махсуслотларини ишлаб чиқариш учун кооперацияни ривожлантириш. Айни чоғда мамлакатимиз мукюбил энергетикани ривожлантириш борасида германиялик ҳамкорлар билан муваффақиятли тажриба ва истиқболли кооперация лойиҳаларидан манфаатдор.

Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида олиб борилаётган ислохотлар Германия компанияларининг қизиқишини оширмоқда. Бинобарин, глобал иқтисоддаги инвестициялар учун жиҳдий рақобат мавжудлигини ҳам инкор қилиб бўлмайди.

Шу маънода, қабул қилувчи мамлакатда хорижий бизнес учун шароитни мунтазам яхшилаб бориш зарурати нуқтаи назаридан айни йўналишдаги ишларни давом эттириш жуда муҳим.

Айтиш жоизки, климми, суви, тупроғи, обхавоси бизникидан фарқ қиладиган Германияда Ўзбекистоннинг бетакрор табиати, саҳий кўеши махсули, миришор деҳқон, моҳир боғбонларимиз қўли билан етиштирган мева-сабзавот, айниқса, немислар яхши кўрадиган ҳўл ва қуритилган мева, соф пахта ва тоза ипақдан тайёрланган тўқимачилик махсусотлари, тикилган тайёр кийим-кечак, шунингдек, саноат махсусотлари жуда харидоригр. Ўртимиз қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларига Германия компаниялари энергия самарадор ва рақамли технологияларини жалб қилишга тайёр.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу ташрифи якунларини умумлаштирган ҳолда шуни ай-

тиш мумкинки, "Марказий Осиё — Германия" формати очиқ мулоқот ҳамда минтақа мамлакатлари ва Германия ўртасидаги ҳамкорлиқнинг янги кўн тартибини шакллантириш учун самарали майдонга айланмоқда. Ташриф давомида ишбилармонлик йўналишида шериклиқни кенгайтириш, иқтисодиёт, инвестиция, транспорт, энергетика ва бошқа соҳаларда кооперацияни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари қўшма иқтисодий тадбирларни мунтазам ўтказиб бориш, мукюбил энергетикани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ва сув ресурслари бошқарувини рақамлаштириш, хомашени чуқур қайта ишлаш, молиявий воситаларни кенгайтириш, икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, миграция ва кўчувчанлик соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича қатор аниқ тақлифларни илгари сурди. Шу тарика Ўзбекистон бундан кейин ҳам мамлакатимиздаги ишбилармонлик ташаббуслари ва қўшма инвестиция лойиҳаларига ҳар томонлама кўмаклашишга, Германия бизнеси учун катта имкониятларни тақдим этишга тайёрлигини амалда тасдиқлади.

Мухтасар айтганда, Берлинда бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатлари ва Германия етакчиларининг олий даражадаги биринчи саммити ўзаро ҳамкорлиқни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, Ўзбекистон билан ушбу Европа давлати ўртасидаги муносабатларни сифат ва мазмун жиҳатдан бойитган ҳолда ўзаро ҳамкорлик учун янги имкониятлар эшигини очди. Шу жиҳатдан, бу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни кенгайтиришга янги суръат бағишлайди, деб баралла айта оламиз.

Ахтам КЎНУЛИКОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.

ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР, УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ЮЗАСИДАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

Интеллектуал мулк ишончли ҳимоя қилинади

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси ййгилиши аввалида 1 октябрь куни кенг нишонланган Ўқитувчи ва мураббийлар кунининг аҳамиятига тўхталган фракция раҳбари Алишер Қодиров бугунги кунда таълим-тарбия соҳасига 33 трлн. сўм ажратилаётгани, бу умумий бюджет маблағининг қарийб 20 фоизини ташкил қилишини таъкидлади.

— Маблагнинг асосий қисми ўқитувчиларнинг иш ҳақиға сарфланмоқда. Бу мамлакатимизда таълим-тарбияға, соҳа вакилларига бўлган эътиборнинг яққол намунасидир, — деди фракция раҳбари.

Депутатлар шундан сўнг "Интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 121-моддасига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Сўнгги йилларда мамлакатда интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар сони ошиб борапти. Хусусан, 2020 йилда 81 та қонунбузилиш ҳолати аниқланган бўлса, ушбу қўрсаткич 2021 йилда 887 тани, 2022 йилда эса 1209 тани ташкил этган ва уларнинг 31 фоизи интернетдан фойдаланилган ҳолда содир этилмоқда.

Яъни интернет орқали ўзгаларға тегишли интеллектуал мулк объектларидан, жумладан, товар ва хизмат кўрсатиш белгиларидан рекламаларда, видеоуроликларда қўллаш ва уни ижтимоий тармоқларда тарқатиш, бошқа шахсларға тегишли товар белгиларини шахсий акаунтларға қўйиш одатий тусға айланди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг

121-моддасига ахборот ресурси эгасининг интеллектуал, шу жумладан, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги шахсий жавобгарлигини ошириш назарда тутилган қўшимча киритилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, бу орқали веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар ва бошқа ахборот ресурсларида ноқонуний фойдаланишнинг олди олинида ҳамда ахборот-коммуникация муҳитида интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг самарали ҳимояси таъминланади.

Ййгилишда ушбу қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Фуқароларнинг одил судловға эришиш даражаси янада ошади

"Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига маъмурий судларға мурожаат қилишға фуқароларға янада қулай шароитлар яратишға қаратилган ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси **Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси** ййгилишида атрофлича кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси билан фуқароларға давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалға оширишға ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарор ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан маъмурий судларға мурожаат қилиш бўйича давлат божи пасайтирилмоқда.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳаси билан келгусида фуқароларға ўзларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-

ҳуқуқий фаолиятни амалға оширишға ваколатли бўлган бошқа ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарор ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан маъмурий судларға мурожаат қилиш имкониятлари янада кенгайтирилади.

Мухокамалар давомида фракция аъзолари партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан бир қатор тақлифларни ўртаға ташлади. Лойиҳадаги айрим нормалар юзасидан қўллаб-саволлар кўтарилди.

Қонун ташаббускорлари ҳар бир тақлиф асосли эканини, уларнинг асариати лойиҳани пишиқ-пuxта ҳолатға келтириш ва маромиға етказиш жараёнида инобатға олинишини қайд этди. Кўтарилган барча саволлар юзасидан ҳам аниқ жавоблар берилди.

Қизгин давом этган баҳс-мунозара, савол-жавоб ва тортгивулардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан маъқулланди.

Таклиф ва тавсиялар асосида қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари "Интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 121-моддасига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокамаида таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда интеллектуал фаолият билан шуғулланувчи ҳисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишнинг институционал ҳамда ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш

йўлида кенг қўламли ислохотлар амалға оширилмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини муҳокама қилар экан, унинг нақадар муҳимлиги ва инсон меҳнати, яъни интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимояланишиға хизмат қилишини таъкидлаб, ахборот ресурси эгасининг шахсий жавобгарлигини ошириш қатор қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олишға замин яратишини қайд этдилар. Мухокамалардан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан маъқулланди.

Ййгилишда шунингдек, "Давлат хизматлари кўрсатиш тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, ушбу қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Яъни 13 та қонунға фактларни тасдиқловчи маълумотлар ва ҳужжатларни талаб қилмаслик бўйича тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаётган бўлса, 2 та қонун билан айрим давлат хизматларини кўрсатиш мuddатлари қисқартирилмоқда. Масалан, оммавий ахборот воситасининг рўйхатдан ўтказиш мuddатини 15 кундан 10 кунға қисқартириш белгиланаетир.

Депутатлар таъкидланганидек, қонун лойиҳаси аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ортиқча оворагарчилигиға чек қўйишға, давлат хизматларини сифатли кўрсатилишини таъминлашға, турли тоифадаги давлат хизматлари кўрсатиш тизимини рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштиришға хизмат қиладди. Қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашилган, тақлиф ва тавсиялар билан қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.



Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун яна бир қулайлик

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ййгилишида юқоридаги қонун лойиҳалари билан бир қаторда "Давлат хизматлари кўрсатиш тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини атрофлича кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида давлат хизматларини рақамлаштиришнинг қўламини кенгайтириш орқали аҳоли учун "Сервис давлат" тизимини жорий қилиш, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларда бюрократик тартиботларға барҳам бериш борасида устувор мақсад ва вазифалар белгиланган.

Бу борада электрон шаклда кўрсатиладиган давлат хизматлари улушини 100 фоизгача, фақат Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиладиган хизматлар улушини

Хулоса ўрнида айтганда, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларға яратилаётган кенг ва қулай имкониятлар фуқаролар бандлигини таъминлаш орқали фаровонлигини оширишға ҳамда жамият ҳаётида дахлдорлигини юксалтиришға хизмат қиладди.

Кобул ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

50 фоизгача етказиш, шунингдек, композит ва проактив тарзда кўрсатиладиган давлат хизматлари улушини камида 40 таға ошириш кўзда тутилган.

Кўриб чиқилган қонун лойиҳаси билан давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, жумладан, диплом, лицензия, рухсатнома, давлат божи, ййғимлар ва бошқа тўловлар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар каби 15 та фактларни тасдиқловчи маълумотлар ва ҳужжатлар талаб қилишни бекор қилиш белгиланмоқда.

Ййгилишда депутатлар қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат хизматларини кўрсатиш тизимини тартибға солиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, давлат хизматларини қўрсатганлиги учун ундирилган тўлов микдорларини камайтириш ҳамда давлат хизматларини кўрсатиш мuddатларини қисқартиришға хизмат қилишини қайд этдилар.

Ййгилишларда фракциялар ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ҳамда қўн тартибидиға масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

АКАДЕМИК
НАЗАР ТЎРАЕВ

Ўзбекистон илм-фани огир
жудоликка учради.

Физикавий электроника со-
ҳасидаги йирик олим, физи-
ка-математика фанлари док-
тори, профессор, Ўзбекистон
Республикаси Фанлар ака-
демияси академиги Назар
Йўлдошевич Тўраев 2023 йил
3 октябрь куни 85 ёшида
вафот этди.

Назар Тўраев 1938 йил
19 майда Сурхондарё
вилоятининг Денов шаҳрида туғилди. 1961 йили
Самарқанд давлат университетини тамомлаб, меҳнат
фаолиятини Фанлар академиясининг Ядро физикаси
институтинида кичик илмий ходим лавозимида бошлади.
Захматкаш олим ўзининг 60 йиллик меҳнат фаолияти
давомида Ядро физикаси институтини аспиранти,
Электроника институтини илмий котиби, Тошкент
политехника институтини кафедра мудирини, Термиз давлат
университетини ректорини, Фанлар академиясининг
“ФАНУМ” илмий-ўқув марказини директорини каби масъул
лавозимларда самарали фаолият кўрсатиб,
мамлакатимиз илм-фан соҳасини тараққий эттириш, етук
кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди.

У 1968 йилда номзодлик, 1981 йилда докторлик
диссертациясини ҳимоя қилди. 2000 йилда Ўзбекистон
Фанлар академиясининг аъзосини этиб сайланди.

Назар Тўраев мамлакатимиз ва халқаро илмий
жамоатчилик ўртасида физикавий электроника
йўналишида мактаб яратган олим сифатида катта ҳурмат
ва эътиборга сазовор бўлди.

Фидойи олимнинг физикавий электрониканинг
назарий ва амалий масалаларига бағишланган кўплаб
мақолаларини, монография ва ўқув-методик қўлланмаларини
чоп этилган.

Меҳрибон ва жонқуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга
илм-фан асосларинида сабоқ берган. Унинг раҳбарлигида
10 нафардан ортиқ фан докторини ва 20 нафарга яқин
фан номзодларини тайёрлади.

Назар Тўраев жамоат ишларида ҳам фаол иштирок
этди. 1990 — 1995 йилларда мамлакатимиз парламенти
депутатини сифатида миллий мустақиллигимизнинг ҳуқуқий
пойдеворини мустаҳкамлашда жонбозлик кўрсатди.

Академик Назар Тўраевнинг мамлакатимиз илм-
фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари
давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У
“Ўзбекистон Республикаси фан арбоби” фахрий унвони,
“Меҳнат шuhrати” ордени билан мукофотланган эди.

Атқоли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Назар
Тўраевнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб
қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОВЕВА, Н. ИСМОИЛОВ,
А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ



Бугуннинг гапи

Она замин, сув ва ҳаво, ер ости қазилмалари — халқимиз бойлиги.
Улар ҳаётини эҳтиёжларимизни таъминлаш баробарида бизга омонат,
келажак авлодларнинг ҳам ҳаққини эканлигини унутмаслигимиз зарур.
Биобарин, бугунги кунда табиат ато этган бу неъматлардан оқилона
фойдаланиш, уни асраб-авайлаб эртанги кунга ҳам қолдириш
инсониятнинг глобал вазибаларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.
Айни масала тараққиёт шиддатли тус олган кейинги йилларда янада
долзарблик касб этаётир. Сабаби дунёда чучук сув танқислиги кучаймоқда,
ҳавонинг ифлосланиш даражаси ортапти, ўрмонлар қисқармоқда. Бундай
ташвишли ҳолатлар биз учун ҳам бегона эмас.

ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАРДА КЕЛАЖАК
АВЛОДЛАРНИНГ ҲАМ ҲАҚҚИ БОР

Дахлдорлик ва
жавобгарлик ҳисси

— Бундай паллада фақат фаол амалий
ҳаракатлар билангина экологик мувозанат
бузилишини тўхтатиб қолиш мумкин, —
дейди Наманган вилояти экология, атроф-
муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши
бошқармаси бошлиғи Аъзамжон Жалилов.
— Ҳукуматимиз, масъул идоралар сайё-
ҳаракати, қолаверса, жамоатчиликнинг фаол
иштироки билан табиий бойликларни
авайлаб-асраш ва тежаб-терғаб
фойдаланган ҳолда келажак авлодга
етказиш юзасидан олиб борилаётган ишлар
тобора кучайтирилаётганидан мақсад-
муддао ҳам аслида шу.

Айтиш керакки, бошқа ҳудудлар қатори
Наманганда ҳам кўз қорачидек эҳтиётлаш
зарур бўлган табиий ресурслар бисёр.
Биргина обиҳаёт манбаларини олиб
кўрайлик. 154 километрик узунлида оқиб
ўтувчи Норин, Қорадарё ва Сирдарё,
2488 километрик масофага қўзилган 23 та
канал ва сойлар, учта ер ости чуқук сувлари
ҳосил бўладиган ҳудудлар — улкан бойлик.
Бунга қўшимча катта ҳажмдаги ҳосилдор
ерлар, қазилма бойлик, ўрмон ҳамда
даракторлар ҳам инсон меҳрига муҳтож.

Сир эмас, ўтган асрнинг сўнги чорагида
пахта майдонларини кенгайтириш
мақсадида кўрик ерлар аёвсиз
ўзлаштирилиши ҳисобига дарё ва каналлар
суви камайиб, ўрмон ва яйловлар кескин
қисқарди. Кеч бўлса ҳам эндиликда табиий
ресурсларнинг барчаси муҳофазага олинган.

Биринчи навбатда, сув манбаларидан
белгиланган тартибда фойдаланиш қатъий
назоратда. Очқик сув ҳавзаларини
ифлослантирмаслик, сув исроф бўлишининг
олдини олиш мақсадида доимий рейд ва
мониторинг кузатувлари йўлга қўйилган.

Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида
айни йўналишлар бўйича 49 ҳолатда
қонунбузилиш аниқланиб, ҳуқуқбузарларга
нисбатан 48,9 млн. сўм миқдориди
маъмурий чора кўрилди. Улар орасида оқова

сувларни очқик ҳавзалар ва жой рельефига
ташлаб келган қатор ишлаб чиқариш
корхоналари бор. Бундан ташқари, Поп,
Косонсой ва Янгикўрғон туманларида
соҳилбўйи муҳофаза минтақасини
ўзбошимчилик билан дам олиш ва умумий
овқатланиш масканларига айлантириш
ҳолатларига барҳам берилди. Жойларда
тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш
учун танланган объектлардан 20 таси
соҳилбўйи минтақаларини доирасига
кирганлиги учун ушбу лойиҳаларга рад
жавоби берилди.

120 та қонунбузилиши:
кўпми ёки оз?!

Табиатга шафқатсизларча муносабат
кўринишидаги қонунбузарлик ҳолатларига
қарши курашиш экологлар кун тартибиди
энг долзарб вазибалардан. Айни жараёнда
ҳар бир юртошчимизда дахлдорлик ва
жавобгарлик туйғусини шакллантириш ҳам
муҳим аҳамиятга эга.

— Жорий йилнинг саккиз ойи давомида
биргина ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш
бўйича 120 та қонунбузилиш ҳолатларини
аниқлади, — дейди бошқарманинг
биохилмаҳилликни асраш, кадастрини
юртишти, муҳофаза этиладиган табиий
ҳудудлар билан ишлаш бўлимин бошлиғи
Нодирбек Турғунов. — Айбдорларга
нисбатан 216,3 млн. сўм миқдориди
молиявий жазо қўйилди. Мисол учун,
Чортоқ туманининг Ифтихор маҳалласида
яшовчи Абдували Турсунов ҳовлисининг олди
қисмидаги 10 тул қимматбаҳо навли
35—40 ёшли қрим қарағайини ўзбошимчилик
билан кесган. Табиатга келтирилган зарар
эса нақд 693 млн. сўмга баҳоланди.

Мингбулоқ туманига қарашли Момоҳон
қилғоғи фуқароси Дилшод Арзикўловнинг
хурмача қилигини эса ҳеч нарсаси билан ўлчаб
бўлмади. У тўрт нафар маҳалладоши билан
Сирдарёнинг Поп туманидан оқиб ўтувчи
қисмида электр токи ёрдамида 124 дона
балиққа қирон келтириб, бу билан 128,5



млн. сўм зарар етказган. Браконернинг
қонунбузарлигига қатъий чора кўрилиб,
умрининг уч йилини панжара ортида
ўтказадиган бўлди.

Вилоятда атроф-муҳитни асраб-авайлаш
бўйича белгиланган меъерий ҳужжатларга
билиб-билмай амал қилмаётган шахслар
орасида сув манбалари ўзанидан
ўзбошимчилик билан норуа материаллар
қазиб олишга ружу қўйганлар ҳам
кўпчилигини ташкил этади. Масалан, давлат
инспекторлари томонидан ўтказилган
рейдлар чоғида 17 киши экскаватор билан
дарёдан қум-шағал қазиб олаётган пайтда
қўлга тушди. Бундан ташқари, 29 ҳолатда
ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва
ундан фойдаланиш талаблари бузилганлиги
аниқланди.

Албатта, табиат неъматларига зарар
етказиш бўйича қонунбузарлик битта бўлса
ҳам қўп. Машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов
эътироф этганидек, ҳар бир даракт, кўча
ёки сув бошига биттадан назоратчи қўйиб
қўйишнинг имкони йўқ. Она табиатини
асрашга нисбатан назоратчи, виждонли
қоровуллик туйғуси ҳар бир инсоннинг
қалбида бўлиши керак.

Ақлли одам фақат бугунин
билан яшамайди

Табиатни муҳофаза қилишда қатъий
қўриқланадиган ҳудудлар, миллий парклар
ташкил этиш орқали йўқолиб бораётган
турларни сақлаб қолиш ва келажак авлодга
етказишнинг мақбул йўллари тажрибадан
ўтган. Наманганда ҳам бу борада
истиқболли лойиҳалар амалга
оширилмоқда. Поп туманининг тоғлар
этигида жойлашган Гулистон маҳалласи
ҳудудида 10 минг гектар майдондан ўрин
оладиган миллий боғ шундай лойиҳаларнинг
дебочаси.

Гап шундаки, бу ерда ўсимлик ва
ҳайвонот дунёсининг бетакор намуналари
мавжуд бўлиб, ақсарияти “Қизил китоб”дан
ўрин олган ва қатъий муҳофазага муҳтож.

Дил сўзи

ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР —
КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Ҳар бир киши меҳнати эътироф этилса, чин дилдан қувонади,
янада шижоат билан ишлашга рағбат сезади. Аммо эътирофнинг
ўзига яраша масъулияти ҳам бор. Давлатимизнинг юксак
мукофотлари билан тақдирланганлар қаторида ўз исм-шарифимни
ўқиб, буни юракдан ҳис этдим.

Гап шундаки, байрам арафасида
Олий таълим, фан ва инновациялар
вазирлиги томонидан “Олий таълим
аълосини” кўрак нишонин билан тақ-
дирлаб, институтимиз раҳбарияти
ушбу мукофотни тантанали равишда
топширган эди. Орадан бир кун ўтиб,
Президентимизнинг Фармониға кўра
“Дўстлик” ордени билан тақдирлан-
дим. Қолаверса, давлатимиз
раҳбарининг ўқитувчи ва мураббий-
ларга йўллаган табриғи соҳаға бўлган
муҳаббатимни икки қара оширди.

Чорак асрлик таълим соҳасидаги
меҳнатларим давомида 180 дан ортиқ
илмий, ўқув-услубий мақолалар ва
битта монографияни нашрдан чиқа-
риб, бир қатор халқаро илмий-ама-
лий анжуманларда иштирок этдим.

Глобализув ва мафкуравий ку-
рашлар авж олган бугунги даврда ри-
вожланиётган мамлакатлар келажак,
асосан, таълим-тарбия кунига таяна-
ди. Салоҳияти юксак мутахассислар
камолга етса, давлатни ҳам, жамяти-
ни ҳам барқарор тараққиёт сари бош-
лайди.

Бугунги кунда мен фаолият юри-
таётган Ажиниёз номидаги Нукус
давлат педагогика институтинида
14,5 мингдан зиёд талабалар тахсил
олади. Уларға 580 нафарға яқин про-
фессор-ўқитувчилар жамоаси таълим
бериб келишаётир. Биз, ўқитувчилар
ушбу ёшларни юртимиз тараққиёти
учун муносиб ҳисса қўшадиған етук
кадрлар қилиб тайёрлашдек масъу-
лиятни ва шарафли ишни зиммасиз-
га олганмиз. Меҳнатимизнинг юксак
эътирофи эса бизға ёшларға таълим
бериш, илмли қилишға қаратилган
ишларимизни янада кучайтиришға
шижоат бағишлайди.

Мен ҳам шу ишға бел боғлаган ин-
сонлар қаторида ўз меҳнатим, ҳара-
катим ва изланишларим билан сид-
қидилдан хизмат қиламан.

Амангелди КАМАЛОВ,
Нукус давлат педагогика
институтининг
Физика ўқитиш методикаси
кафедраси мудирини,
«Дўстлик» ордени соҳибини.

РАФБАТ ЮКСАК
МАСЪУЛИЯТ ДЕМАКДИР

Катта орзу-умидлар билан ўсим келаятган ёш авлодининг эмин-
эркин яшашини, замон талабларига мос даражада билим олишини,
изланишини, ўқилиш ҳамда ўрганишини учун муносиб шартин яратилган
жойда тараққиёт, эртанги кунга ишонч пайдо бўлади. Бундай муҳитда
камол топаётганлар қалбида ватанпарварлик жўш уради. Улар эл-
юртга хизмат қилишдек эзгу мақсадни энг олий бурч, деб билади.

Ўзим раҳбарлик қилаётган Шаҳ-
рисабз туманидаги “Баркамол авлод”
бўлиблар мактаби ҳақида тўхталади-
ган бўлсам, бугунги кунда бу мас-
канда 100 га яқин педагог ва ишчи
ходимлар фаолият юритмоқда. Мак-
таб компьютерлар ва бошқа барча
зарур ахборот-технологиялари билан
тўлиқ таъминланган. Айни пайтда
тўғарақлар ва тармоқ тўғарақлар
сонини 61 тага, тўғарақ аъзолари сонини
эса 2 минг 440 нафарга етди. Бу
тумандаги барча ўқувчиларнинг
6,5 фоизини қамраб олинганини
англайди.

Албатта, ўқувчиларни “Баркамол
авлод” болалар мактабига қамраб
олиш билан иш битмайди. Бизнинг
мақсадимиз уларнинг санъат, техни-
ка, ҳунармандчилик соҳаларига
бўлган қизиқишларини ривожланти-
риш, ўз истеъодларини юзага

чиқаришини борасида аниқ натижалар-
га эришиш ҳисобланади. Шундан ке-
либ чиқиб айтганда, сўнгги йиллар-
да бу борада сезиларли ютуқларни
қўлга киритдик, деб айта оламиз.
Ўқитувчи ва мураббийлар кўни ара-
фасида Президентимизнинг тегишли
Фармониға мувофиқ II даражали
“Соғлом авлод учун” ордени билан
мукофотланганим, бу — жамоамиз-
нинг меҳнатига берилган юксак баҳо
бўлди. Биз шу масъулиятни чуқур ҳис
қилган ҳолда ёш авлод таълим-
тарбиясини йўлида бор куч-ғайратимиз
ва салоҳиятимизни ишға соламиз.

Авлоқул ХОЛМУРОДОВ,
Шаҳрисабз туманидаги
“Баркамол авлод”
болалар мактаби директорини,
II даражали “Соғлом авлод учун”
ордени соҳибини.

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ
ФОЙДАЛАНИШДА
БАРЧА ИМКОНИАТЛАР ИШГА СОЛИНМОҚДА

Сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, уни асраб-
авайлаш, тежаб ишлатиш бугунги кунда долзарб
масалалардан саналади. Эеро, сув — ҳаёт манбаи. Ундан
самарали фойдаланиш инсоният тараққиётига, атроф-
муҳит барқарорлигига хизмат қилади. Шу боис Марказий
Осиё мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам бу
борада аниқ чора-тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда.

Мушоҳада

Тахлилларга эътибор қаратади-
ган бўлсак, юртимизда 2021 —
2023 йиллар давомида сув ре-
сурсларидан оқилона фойдала-
нишда муайян ишлар амалга оши-
рилган. Хусусан, 2021 йилда
коммунал канализация оқова сув
тозалаш иншоотларидан ер усти
сув объектларига ташланадиган
оқова сувларнинг атроф-муҳитга
таъсиридан қамайитириш мақсади-
да 33 та йирик шаҳарнинг ком-
мунал оқова тозалаш иншоотла-
ри ўрганилган ва экологик назо-
рат ишлари олиб борилган.

Автомобиль ювиш шохобчала-
ридаги ҳолат билан танишилган-
дан, айрим камчиликлар кўзга таш-
ланган. Натижада жами 2170 та
автомобиль ювиш шохобчасидан

1602 таси хатловдан ўтказилган,
361 тасида сувдан махсус фой-
даланиш рухсатномаси, 460 та-
сида ички оқова тозалаш иншо-
отлари мавжуд эмаслиги ва
277 тасида бошқа қонунбузилиш
ҳолатлари аниқланган.

Сув ресурсларини муҳофаза
қилиш ва улардан оқилона фой-
даланиш юзасидан ўтказилган
рейд ва текширувлар давомида
1 минг 588 нафар шахсдан қарийб
2 млрд. 609 млн. сўм жарима
ундирилган.

2021 йилда амалга оширилган
тизимли сайё-ҳаракатлар натижа-
сида 2,76 млн. куб метр сув иқти-
сод қилинган.

Ўз навбатида, 2022 йил 28 ян-
вардаги “2022 — 2026 йилларга

мўлжалланган Янги Ўзбекистон-
нинг тараққиёт стратегиясини тўғри-
сида”ги Президент Фармони ушбу
йўналишдаги чора-тадбирлар
қўламини янада кенгайтиришда
муҳим аҳамият касб этди, десак,
айни ҳақиқат. Бинобарин, унга
кўра 14 та сув объектида сувни
муҳофаза қилиш зоналари ва со-
ҳилбўйи минтақаларини белгилаш
қўзда тутилган ва бу бўйича лойи-
ҳалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга тат-
биқ этилмоқда. 2023 йилда 76 та
корхонада локал оқова сув тоза-
лаш иншоотлари қуриш ва ре-
конструкция қилиш режалашти-
рилган бўлиб, амалдаги 77 та кор-
хонада локал тозалаш иншоотла-
ри реконструкция қилиниди ва
куриб битказилди.

Шунингдек, ўтган йили пойтах-
тимиздаги бир қатор каналлар-
нинг маълум узунликдаги қисмла-
рида тозалаш ва ободонлашти-
риш ишлари олиб бориладиган
эътиборга молик. Бу Тошкент
шаҳрини аҳолиға қулай, экологик
тоза ва яшаш учун барча имко-
ниятлар мавжуд бўлган ҳудудға
айлантириш, қўқаламзорлашти-
риш даражасини оширишда айни
муддао бўлди.

Бундан ташқари, жойларда
тадбиркорлик субъектлари томо-
нидан фойдаланишда бўлган
3886 та ер ости қудуқлари ўрга-
нилганда айрим муаммолар кўзга
ташланди. Хусусан, мамлакатимиз
бўйича 2299 та ер ости қудуқла-
ри тегишли ҳужжатларсиз фой-
даланиб келинганни аниқланди
ҳамда уни бартараф этиш чора-
лари кўрилди.

Албатта, бу борадаги сайё-
ҳаракатлар жорий йилда ҳам из-
чил давом эттирилмоқда.
Давлатимиз раҳбарининг
2022 йил 7 декабрдаги “Ер ости
сув ресурсларини муҳофаза
қилиш ва улардан оқилона фой-
даланиш тартибига солиш бўйи-
ча қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида”ги қарорини билан сув
сатҳи 5 метрдан ортиқ пасайиб
кетган ҳудудлар, чўнқичи, Навоий,
Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё,
Анджон, Наманган, Фарғона ви-
лоятларининг айрим ҳудудлари-
да мораторий эълон қилинди. Ер
ости сувларига қудуқларни бур-
ғилаш ҳамда мавжуд қудуқларни
ерларни сув тежовчи технология-
ларсиз суғориш тақиқланди.

Вазирилар Маҳкамасининг

ҳам ўз эгаларига топширилади.

Халқимиз “Уйи борнинг ўйини
йўқ” деб бекорға айтишмаган.
Уй-жой инсон ҳаётида муҳим
аҳамият касб этади. Ота-она-
сиз, етимликда катта бўлган уй-
жойға муҳтож ёшларнинг вояға
етиши билан ўз бошпанасига
эга бўлаётгани эса уларнинг
жамиятда ўз ўрнини топишда
муҳим омил бўлаётди, янги ре-
жалар, мақсадлар сари руҳлан-
тирмоқда.

Масалан, яна бир қаҳрамо-
нимиз — Ёлдор Тоғаев ҳам Чи-
роқчи туманининг Ғаллачи қиш-
логидан. Ёшлигида ота-онаси-
дан етим қолган Ёлдор буви ва бобоси
қўлида катта бўлган. Туман ҳокимлиги то-
монидан ўтказилган ўрганишларда Ёлдор-
нинг уй-жойға муҳтожлиги аниқланган, унга
туман марказидан икки хонали уй барча
ҳужодалари билан олиб берилди. Давлати-
мизнинг бундай ғамғўрлигидан руҳланган
Ёлдорнинг қариндошлари ҳам қараб ту-
ришмади: дарров тўй бошлашди.

Биз йўқлаб борган кўни Ёлдор ўзи иш-
лаётган қурилиш ташкилотининг иши би-
лан Сурхондарё вилоятиға хизмат сафа-
риға кетган экан. Турмуш ўртоғи Шохиста
Нафосова яшаш хонадонини ва ундаги шарт-
шароитлар билан таништирди.

— Бу ерда бир нафар фарзандимиз би-
лан бахтиёр ҳаёт кечиряпмиз, — дейди у.



— Ҳамма шарт-шароитимиз бор. Туман
ҳокимлиги, маҳалла ва бошқа идоралар
вакиллари ҳам тез-тез ҳол сўраб туриша-
ди. Худода шукр, камчилигимиз йўқ. Тур-
муш ўртоғимнинг даромади ҳам яхши. Биз-
ни шунчалик қўллаб-қувватлаган давлати-
мизға раҳмат.

Ҳа, бугун етим болалар ҳамда ота-она
қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг
хуқуқ ва эркинликларини рўёбға чиқариш,
ижтимоий ҳимоясини кучайтириш масала-
лари давлат томонидан изчил қўллаб-қув-
ватланяпти. Бу эса уларнинг бахтли ҳаёт
кечиришига замин бўлмоқда.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзини»).

ОТА-ОНАНГДАЙ МЕҲРИБОН ВАТАН...

Чироқчи тумани марказида куриб битказилган 7 қаватли, 47 та
хонадонға мўлжалланган уй яқин кунлар ичида ўз эгаларига топширилиш
арафасида. Шунга қарамай, бу уйдаги учта хонадон ҳозирнинг ўзида
тўлиқ таъмирланиб, мебель ва барча зарур уй-рўзгор буюмлари билан
жиҳозланган. Ва энг асосийси, ушбу уч хонадон ўз эгаларига бепул
топширилади.

Фамхўрлик

— Бу хонадонлар туманимизда истико-
рият қилаётган уч нафар чин етим ёшлар
учун туман ҳокимлиги томонидан белги-
ланган тартибда харид қилинди, — дейди
Чироқчи тумани ҳокимлиги болаларни
ҳимоя қилиш шуббаси мудирини Рисолат
Намозова. — Ушбу хонадон соҳиблари —
Нормурод Қайомов айна вақтда Наманган
давлат университетига, Оғабек
Худойбердиев Чироқчи педагогика инсти-
тутинида тахсил олмақда. Уларнинг яна бири —
Оғабек Эгамбердиев эса тадбиркор. Бу
ёшлар ота-онасиз, қариндошлари қўлида
катта бўлишган. Давлатимизнинг иж-
тимоий ҳимояға муҳтож ёшларға қаратаёт-
ган юксак эътибори, ғамғўрлиги натижа-
сида бугун улар ҳеч бир тенгдошидан кам
эмас. Олий маълумот олишяпти, уй-жойини
тайёр. Келгусида оила қуриши, ишға
жойлашиш билан боғлиқ масалалар ҳам
эътибор марказида.

Таққидлаш жоиз, 2021 йил 9 августда-
ги “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан

маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг
тубдан янгиланган тизимини жорий этиш
чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент
қарорини етим ва ота-она қарамоғидан маҳ-
рум бўлган болаларни тизимли ижтимоий
ҳимоя қилишда муҳим дастуриламал
бўлди. Айниқса, ушбу ҳужжат билан уй-
жойға муҳтож чин етим ва ота-онаси қара-
моғидан маҳрум бўлган ёшларни уй-жой
билан таъминлашнинг аниқ тартиб-
тамоиллари белгилаб берилиши бу бора-
даги ишларни янги босқичға олиб чиқди.

Қарорға асосан, чин етим ва ота-она
қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг
муаммолари ўрганилиб, уларнинг эҳтиё-
жидан келиб чиққан ҳолда зарур қўмак
кўрсатилаяпти. Жумладан, уй-жойға муҳтож
деб топилган етим ва ота-она қарамоғи-
дан маҳрум бўлган ёш

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИНГ ЁРҚИН ҒАЛАБАЛАРИ



Узунликка сакрашда 5.95 метр (834 очко), найза улоқтиришда эса 49.76 метр (855) натижа қайд этиб, тонгги дастурдан кейин иккинчи ўринда жойлашганди ва якунда ҳам бу ўринни бой бермади.

Кечки дастурда 800 метрга югуриш бахсларида голиб ва совриндорлар аниқлаб олинди. Ўзбекистонлик енгил атлетикачи бу масофага 2 дақиқаю 15.91 сонияда етиб келди ва 880 очко ишлади, якунда умумий 6056 очко билан қумуш медаль соҳибига айланди.

Эслатиб ўтамиз, Е. Воронина 2014 йилда ўтказилган Осиё ўйинларида олтин медалга сазовор бўлганди. Велосшоссенинг шахсий пойга дастурида иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Ольга Забелинска олтин медалга сазовор бўлди. 18.3 км. масофага кечган пойгада ҳамюртимиз 24:36.99 дақиқа натижа кўрсатди.

“Маҳорат ёш танламайди”, деб бежиз айтилмаган. 43 ёшида Осиё ўйинларида чемпионликини кўлга киритган Ольга Забелинска ҳали-ҳамон кўплаб спортчилардан жисмоний тайёргарлик жиҳатдан яхшироқ эканини исботлади.

Байдарка ва каноэда эшак эшиш бахсларида ҳам вакилларимиз ёрқин из қолдирди.

Жумладан, 1000 метр масофага каноэда эшак эшиш бўйича эркаклар ўртасида Владлен Денисов қумуш медални кўлга киритди. Байдаркада эшак эшиш бўйича аёллар ўртасида 500 метрга кечган баҳсда Екатерина Шубина ҳамда Арина Танатмишева жуфтлиги маррага учинчи бўлиб етиб келди ва бронза медалга сазовор бўлди.

Байдаркада эшак эшиш бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси 500 метрга кечган дастурда марра чизигини учинчи бўлиб кесиб ўтди. Ушбу масофадаги пойгада Шаҳризода Мавлонова, Арина Танатмишева, Екатерина Шубина ҳамда Юлия Борзова кватрети юртимиз шарафини ҳимоя қилди.

1000 метрга каноэчилар ўртасидаги жуфтлик беллашувида Шохмурод Холмуродов ҳамда Нурислон Тўхтасин ўгли жуфтлиги марра чизигини биринчи бўлиб кесиб ўтди ва олтин медалга сазовор бўлди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, ушбу жуфтлик 2018 йил Индонезияда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида бронза медалини кўлга киритган эди. Бу галги мусобақага пухта тайёргарлик кўрган вакилларимиз рақибларини катта фарқ билан ортда қолдирди.

200 метрга каноэда эшак эшиш бўйича жуфтлик бахсларида стартта чиққан Шохсанам Шерзодова ва Нилуфар Зокирова шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Баландликка сакраш бўйича беллашуларда олтин ва қумуш медаллар Ўзбекистон вакилларига насиб қилди. Ҳамюртларимиздан Сафина Саъдуллаева ушбу йўналишда биринчи, Светлана Радзивил эса иккинчи натижани кўрсатди.

Юртимиз боксчилари ҳам ўз ғалабалари билан мухлисларни хурсанд қилишда давом этишяпти. Хусусан, -80 кг. вазн тоифаси вакили Тўрабек Ҳабибуллаев яримфинал масаласини ҳал қилди. У саралашда непаллик

Дипак Шрештрани енгган (5:0), нимчорак финалда саудиялик Мухаммад Алсубҳини биринчи раунддаёқ нокаутга учратганди. Чорак финалда иорданиялик кучли спортчи, амалдаги Осиё чемпиони Хусайн Яшашни турнирни тарк этишга мажбур қилди. Финал учун жанг 4 октябрь кuni бўлиб ўтиши режалаштирилган.

Бокс бўйича 2016 йилги Олимпия ўйинлари чемпиони Ҳасанбой Дўсматов -51 кг. вазн тоифасида чорак финалда покистонлик



Зоҳайб Рашидни енгди. Ушбу натижа билан мусобақа медалини нақд қилган Х. Дўсматов финал йўлланмаси учун япониялик Томоя Тсубоига қарши рингга кўтарилади. Абдумалик Халоков (-57 кг.) эса филиппинлик Карло Палаамни мағлубиятга учратиб, ярим финалга йўлланма олди.

Баҳодир Жалолов (+92 кг.) дастлабки жангида тожикистонлик Мухаммад Абборидиновни мағлубиятга учратганди. Ярим финалда хи-

тойлик Данабайк Байкузидан устун келган вакилимиз олтин медаль учун кўп йиллик рақиб, қозогистонлик Камшибек Конкабаев билан кураш олиб борадиган бўлди.

Футбол бўйича Ўзбекистон (U23) терма жамоаси Саудия Арабистони-га қарши кечган чорак финал баҳсида Миразамат Мирсаидов ва Алишер Одиловнинг голлари эвазига



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

зафар кучди — 2:1. Бу ғалабадан сўнг Ўзбекистон олимпия жамоаси 29 йиллик танафусдан кейин илк бор Осиё ўйинлари яримфиналига чиқди. Ёдингизда бўлса, 1994 йили Хиросимада ўтган турнирда Рустам Акрамов ва Биродар Абдураимов мураббийлигидаги жамоа Осиё ўйинлари голибига айланганди. Энди Тимур Кападзе шогирдлари 4 ок-

тябрь кuni Жанубий Кореяга қарши майдонга тушади.

Ўзбекистон аёллар терма жамоаси ҳам мусобақанинг ярим-финалига йўл олганди. Мидори Хонда бошчилигидаги терма жамоамиз дастлаб чорак финалда Хитой Тайпейини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Учрашувда голларни Диёра Ҳабибуллаева ва Умида Зоирова рақиб дарвозасига киритди. Кеча финал остана-сида қизларимиз Корея Халқ Демократик Республикаси жамоаси билан беллашиб, мағлубиятга учрашди. Энди вакилларимиз 6 октябрь кuni

учинчи ўрин учун мезбонларга қарши беллашади. Мусобақанинг навбатдаги кунидан сўнг Ўзбекистон терма жамоаси 14 та олтин, 15 та қумуш ва 21 бронза, жами 50 та медаль жамағариб, умум-жамоа рейтингда 5-поғонадан жой олиб турибди.

Фазлиддин АБИЛОВ («Халқ сўзи»).

САНЪАТ БЎСТОНИНИНГ БЕТАКРОР БУЛБУЛИ

Ўзбек кўшиқчилиги санъатига бекиёс ҳисса қўшган таниқли санъаткор, довудий овоз соҳиби Комилжон Отаниёзов 1970 йилги бир суҳбатда “Амударёнинг нариёғида тенгдошларидан ўзининг Худо берган истеъдоди, ширали овози билан ажралиб турадиган, талантда тенги йўқ бир йигит бор. Санъат бўстониинг эртанги булбулига, фахриям ўша йигит бўлади. Унинг овозида имконият чексиз-чегарасиз” дея келажаги порлоқ бир ҳофизни эътироф этади. Буни қарангки, устоз санъаткорнинг сўзлари ҳақиқатга эврилди. Орадан кўп ўтмай инсонлар тилию дилида унинг кўшиқлари жаранглади, овози қалбларга роҳат, сўзи жонларга завқу шавқ бағишлай бошлади. Бу — қалбни ҳислар тўлкинига ташловчи сеҳрли овоз соҳиби Отажон Худойшукуров эди...

Соғинч

Қалбларга эзгулик бахш этган оҳанглар

Ашула янграйди. Беихтиёр ҳаёлда радионинг қулоғини бураётган, тўлқинлар орасида ўзи тинглашга ошиққан кўшиқни ахтараятган инсон гавдаланди. У балки хозиргина даладаги меҳнатдан ҳориб уйига келган, ором олиш учун болишни кўлти-ғига қўйиб ёнбошлаган, қўлидаги бир пилёла чойни совутмай тез-тез ҳўплаган. У эҳтимол, шу пайтда англаганки, барча ташвиш-хорғинчиликни эсдан чиқариш учун бир зум ором олиши етарли, ҳаловатнинг сирини — радио. Аниқроғи, радиодан янграйдиган кўшиқда. У ниҳоят ахтарган овозини топади, кўзларини юмиб кўшиққа қулоқ тутди:

“Ҳаёлларим олдинг мани, На кўларига солдинг мани, Ўтираман, ўйлонаман, Тўлғонаман, ҳам ёнаман...” ...Кунботарга қараб уйга то-лади. Унинг ўйлариди, ким би-лади, ҳозир нималар жонлан-моқда. Балки олис болалик, тандирдан иссиқ-иссиқ нон узаётган онаси, пахта даласи-дан ҳориб, аммо ҳушунд алфоз-да қайтаётган отаки, қумда уй кураётган жажжи укалари, кўзи хиралашиб кўрпа тикишга қий-налаётган бунисига ёрдамла-шаётган сингиллари, тупроқ қўчалар, қоптоқ тепаётган кўшии болалар кўз олдида гавдалан-гандир...

Кўшиқ эса шу маҳал ўзининг авж нуктасига чиқади: “Санинг мовий гўларингни, Хумор-хумор соғинаман...” Ҳа, умр оқар дарё. Бугун унинг ўзи ота! Ўзи оиласининг боши, яқинларининг суянчиги, фарзандларининг меҳрибони... Гоҳида шундай оҳанглар бўладики, уни тинглашингиз би-лан олис ўтмиш хотиралари ёдингизга тушади. Отажон Худойшукуров кўшиқлари ҳам шундай оҳанрабо сеҳрга эга эди.

Дарҳақиқат, Отажон Худойшукуров соҳио сўзи, ўз соҳир овози билан кўпчиликка ҳамроҳ, дилдош десак, янглиш-маган бўламиз. Йиллар оша қалблардан қалбларга, оғизлар-дан оғизларга, пластинкалардан замонавий аудио-карталарига кўчиб келаётган устоз санъат-корнинг кўй-кўшиқлари бугун ҳам барчамизга олис йилларни хотирлатиб турувчи сеҳрли кучдир.

Тўғри, Отажон Худойшукуров бор-йўғи 50 йил умр кечирди, бироқ бу умр авлодларга, санъат-атсеварларга, мухлисларга кат-та ҳазина қолдирди учун етарли бўлди. Унинг репертуаридан жой олган “Феруз I-II”, “Хоразм Сеғохи”, “Бозургоний”, “Кўшич-нон”, “Гулзориим”, “Қурд Эш-войи”, “Самарқанд ушшоғи”, “Тошкент Ироғи” каби мумтоз ашулалар, “Нажаб ўлгон” дос-тонидан “Кимни севар ёрисан”, “Баҳром ва Гуландон”дан “Ай-рилиқ”, “Авазхон”дан “Қаландар-им” каби Хоразм дostonномал-лари, “Кўзларинг сенинг”, “Ўзбекистоним”, “Раъно бўлайин деб”, “Соғиниб келдим” каби

асарлар, шунингдек, ижросида-ги туркман, озарбайжон, қора-қалпоқ, қозоқ ва қирғиз халқ кўшиқлари нафақат ўзбек, бал-ки бутун туркий халқлар учун кадрли, қимматбаҳо ҳазина, десак, муболага эмас. Отажон Худойшукуров созанда ва ўзи ижро этган 300 дан ортқ кўшиқларнинг бастакори сифа-тида ҳам элга таниш, севимили-дир.

Унинг кўшиқларидаги эҳти-рос, шихоат ва ҳўшхиллик, мазмуний теранлик тингловчи-лар қалбидан қўқур жой эғла-ларган. Айни пайтда ҳам Отажон Худойшукуров кўшиқлариға шайдолар, кунда-кунора тинг-лаб, ҳаловат топадиган, ўзгача лаъзат оладиганлар сафи камайгани йўқ.

Санъатга ошуфта умр

Хоразмнинг Ҳазорасп туман-ини О.с овули (ҳозирда Богот туманининг Деҳқонобод қишло-ғига қарашли) мавжуд. Тарихий манбаларга кўра, О.с Хоразмда милоднинг бошларида яшаб, кейинчалик ҳозирги Осетияга кўчган уруғ номидир. О.с элати-да “такир” лақабли кишилар яшаган. Отажон Худойшукуров-нинг бобосини “ос” лақаби би-лан аташган. Тоғаси Йўлдош акани эса Йўлдош “такир” ла-қаби билан чақирилган.

Йиллар ўтиб, тақдир измида улар дарёнинг нариги соҳили — Тўрткўлга кўчиб ўтишган. Отажон Худойшукуров шу та-риқа 1944 йилнинг 4 октябрида Тўрткўлда таваллуд топган. Бо-лаглида мактабда, кейин эса

туман ва Қорақалпоғистон Рес-публикаси бўйича ўтказилган турли тадбирларда иштирок этиб, ёшлигидеёқ элга танил-ган. Шу боис ҳам 19 ёшидаёқ Бердақ номли Қорақалпоғистон давлат филармониясига ишга қабул қилинади.

1960-йилларда тоғаси Йўлдош ака унга илк устозлик қилади, тўйларда ёнида олиб юради. Санъатга ихлоси катта бўлган ўспирин дастлаб доира, сўнгра рубоб чалиб, кўшиқлар айта бошлайди. Тоғаси Йўлдош Оллашукуровнинг дўсти, машҳур ҳофиз Комилжон Отаниёзов ундаги санъатга бўлган ихлосини пайқаб, шо-гирдликка олиши эса тўрткўллик йигит учун парвоз майдони ва-зифасини бажаради.

Тўрткўл, Нукус ва Тошкентда ўтказилган турли тадбирлар, эл-юртадаги тўй, ҳосил байрамла-рида қатнашиб юрган санъат-кор бора-бора бутун халққа та-нилла бошлайди.

Буни қарангки, ўзининг ноёб истеъдодини ўсмирлик чоғидеёқ намойён қилиб, шўхратга эриш-ган Отажон Худойшукуров 25 ёшида Қорақалпоғистон халқ артисти унвонига лойиқ кўри-лади. Шундан сўнг бирин-кетин 1977 йилда Ўзбекистон, 1981 йил-да Татаристон, 1993 йилда Туркманистон халқ артисти унвонига сазовор бўлади.

Вафотидан кейин, 2021 йил-да эса Президентимиз Фармо-ни билан ўзининг бетакрор ва ёрқин ижодий фаолияти, халки-миз маданиятини юксалтириш, жамият ҳаётида эзгулик ва адо-лат, ватанпарварлик ва бари-кенглик каби қадриятларни қарор топтириш йўлидаги унутилмас меҳнатлари учун “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирланди.

Ҳофизни машҳур қилган фа-қатгина юксак ижрочилик маҳо-рати, санъатга бахшида қаби эмас, балки инсонийлиги, эл дардида бефарқ эмаслиги, дўстликка садоқати, дея таъкид-лайди замондошлари.

Фан ва маданият, адабиёту санъатга алоҳида меҳр қўйган, 1992 — 1996 йилларда Хоразм вилоятига ҳокимлик қилган марҳум Маркс Жуманиёзов шундай эслаган эди:



“1967 йилнинг қиш ойлари эди. Мен қаттиқ бетоб бўлиб қолдим. Шундай қаттиқ огри-димки, ўладиган бўлиб, кўрпа-ёстиқ тортиб, қариндош-уруғлар билан рози-ризолик айтишга бошладим. Бир пайт қарасам, биров қулиб турибди тепамда — Отажон Худойшукуров!

“Ассалому алайкум, ёшулли! — деди жилмайиб. — Бир кўриб, зиёратлаб гетайлик деб келган эдик, бу нима ётиш?” “Шундай-шундай, — дедим ётган жойим-да овозим синиб. Қўлини узат-ди. Мен ҳам қўлимни узатиб де-дим, — Гетаямиз, жўра...” “Нера гетасиз-ай, ёшулли, ман гал-дим, сизни ҳеч ёққа юбормай-ман!” “Йўқ, Отажон, бугун охи-ри куним. Ҳамма билан видола-шиб чиқдим. Сенинг келганинг яхши бўлди, жўра, рози бўл...” “Йўқ, — деди у баттар ўчаки-шиб. — Рози эмасман. Сизни олиб қоламан. Гетмийсиз!” “Ахир ахволимни ўзим биламан. Ўрнимдан туролмайман. Ҳамма билан хайр-хўшлашиб бўлдим”. “Йўқ, гетмийсиз! Ўрнингиздан турасиз! Сиз ўрнингиздан тур-магунча, мен шу ерда ўтираве-раман”.

Отажон ўтираверди. Мен ҳам ўтиравердим. Бир маҳал Отажон ўтариб зерикди шекилли, уйда болалар тингирлатиб юрадиган рубоби бор эди, шуни топиб келди. Ўзи билан ўзи тингир-латди, ашула айтди. Орасида мендан “Турасизми, ёшулли?” деб сураб қўярди. “Йўқ, — дер-

дим аста. — Мен бугун нариги дунёга кетаман...” У рад қилар-ди: “Гетмайсиз! Юбормайман!”

Хуллас, яна тингир-тингир, яна ашула. Бир вақт Отажон уй-билан рози-ризолик айтишга бошлайди. Бир пайт қарасам, биров қулиб турибди тепамда. Тюрини олиб келишни ил-тимос қилдим, кўп ўтмай уйга машина келиб кетгани, алла-килар энди ансамбль бўлиб қўшиқ бошлаётгани эшитилди.

Хуллас, келган кунини, кечаси, эртасига ҳам уйда қўшиқ ян-гради. Отажон кетмади. Мен ҳам кетмадим ҳеч қаерга... Яратган-дан бир қаромат ҳосил бўлди-ми, эртаси кун ўрнимдан тур-дим! Оёққа турдим, меҳмонлар-нинг олдиға чиқдим, қўйингки, мен ажалнинг оғзидан қайтиб келдим. Балки ана шу кўшиқ-лар, унинг сеҳрли навалари боис мен ёрғу оламга қайтган-дирман!.. Ана шу воқеадан кейин орамиздаги меҳр-оқибат кучайди, борди-келдиларимиз эса қадрдон дўстликка айланди”.

Дарҳақиқат, Отажон Худойшукуров умри давомида қанча одамларга маънан-руҳан жон бағишлади, кўнгилларини ёритиб, дилларига умид уруғи-ни экиди. Машҳур ҳофизнинг ҳар бир инсон қалбига эзгу туйғу-лар бахш этувчи кўшиқлари бу-гунги кунда ҳам халқимиз то-монидан севиб тингланмоқда.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи»).

Қулайлик

ЯНГИ АВТОБУСЛАР ОЛИБ КЕЛИНАДИ

Айни кунларда Фарғона шаҳрида жамоат транспорти тизимини ривожлантириш учун Хитойдан янги автобуслар олиб келиняпти.

— Белгиланган режага кўра, жорий йил якунига қадар Хитойдан “King Long”, “Yutong, Foton” ва “AsiaStar” русумли 100 та шаҳар ичида ва 10 та шаҳарлараро қатновчи автобус олиб келинади, — дейди Фарғона вилояти транспорт бош-қармаси бошлиғи Бобур Ҳамидов. — Келгуси йили эса яна қўшимча 160 та автобус олиб келиниши режалаштирилган.

Таъкидлаш ўринлики, энди-ликда вилоятда жамоат транс-порти соҳасида янги тизим ишлаб чиқилиб, кунлик тушум режасини белгилаш амалиёти-дан воз кечилмоқда. Шу та-риқа бундан буён ташувчилар-га маблағ автобуснинг юрган масофаси ва одамлар хизмат сифатидан қониқишга қараб берилади. Бу тизим бутун мамлакатимизда бўлгани каби 2024 йилнинг 1 июнидан Фарғона вилоятида ҳам тўлиқ жорий этилиши белгиланган.

Ўз навбатида, Президент қарори билан хориждан авто-бус олиб келадиған тадбир-корлик субъектлариға бир қатор солиқ ва божхона им-тиёзлари жорий этилган. Мисол учун, янги автобуслар сотиб олиш учун ташаббускор тадбиркорларга 10 йилгача муддатга имтиёзли кредит аж-ратилади.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1041. 32 769 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоши келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопчибад 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.



Таҳририятга келган кўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета таҳририят марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.

Мусахҳиш — Л. Қўчқорова.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41.

ЎЗА якуни — 21.35

Топширилди — 23.55

1 2 3 4 5 6